ТУРКИСТОНДА ПАХТАЧИЛИКНИ ТИКЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ АМАЛГА ОШИРГАН ТАДБИРЛАР (1921-1924)

Э.Эркаев

В статье освещены мероприятия, осуществленные советским правительством в целях восстановления и развития хлопководства в Туркестане (1921-1924).

In this article are covered the measures which have been carried out by the Soviet government with the purposes of restoration and development of cotton process in Turkistan (1921-1924).

Совет ҳукумати ҳокимият тепасига келган дастлабки кунлариданоқ пахта етиштиришни кўпайтириш ва Россия марказидаги тўқимачилик фабрикаларини пахта хом ашёси билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Пахтачилик тармоғини бошқариш РСФСР Олий Халқ хўжалик кенгашига (ОХХК) юкланди[3]. 1918 йил 12 январда РСФСР ОХХК “Пахтачилик ишларини монополияга айлантириш тўғрисида” қарор қабул қилди. Қарорга кўра

пахтачилик ва пахта савдоси билан боғлиқ барча масалалар фақат давлат монополиясига, мамлакатда мавжуд бўлган барча пахта захиралари давлат мулкига айлантирилди. 1918 йил 24 мартда Ленин раислигида ўтган комиссия мажлисида расмий "пахта дастури" тасдиқланди ва Туркистон Республикасига жўнатиладиган маъсул ходимлар таркиби аниқланди. Унга ишончли большевиклардан В.С.Смирнов, Н.И.Сундатов, А.И.Лацис, В.Г.Рофмайстер, И.А.Севастьяновлар киритилди.

Совет ҳокимияти Туркистон иқтисодиёти устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатганидан сўнг пахта яккаҳокимлигини янада кучайтирди. Жумладан, 1920 йил 2 ноябрда қабул қилинган "Туркистон ва Озарбайжон республикаларида пахта экинларини тиклаш тўғрисида"[2]ги декрети [4;72-73] мустабид совет ҳокимиятининг пахта яккаҳокимлигини ўрнатишнинг янги тизимини бошлаб берди. Декретнинг мазмунига кўра пахтакор туманлардаги барча жамоа ва давлат хўжаликларида пахта экинларини мажбурий кўпайтириш кўзда тутилган эди.

Бунинг асосий сабабларидан бири XIX асрнинг 20-йилларида ўлкада ҳукм сурган оғир аҳвол, фуқаролар уруши, миллий озодлик ҳаракати пахтачиликни юксалтириш истиқболини чеклаб қўйди. Лекин бу ўринда умумий салбий омиллар билан бир қаторда бошқа қўшимча сабаблар ҳам кўзга ташланади, улардан бири озиқ-овқат танглигининг жадал ортиб бориши оқибатида деҳқонлар чигит экиладиган майдонларни қисқартириб, ғалла экинлари — маккажўхори, шоли, оқ жўхори, тариқ, буғдой экишга ўтишга мажбур бўлганидир. Бош пахтачилик қўмитаси ўзининг монопол мавқеидан фойдаланиб, пахтанинг харид нархларини арзон белгилагани учун пахтакор деҳқонларнинг ўзлари учун истеъмол молларини сотиб олишлари қийинлашмоқда эди. Бунинг устига, пахта ва ёғ ишлаб чиқариш саноатини давлат мулкига айлантириш тўғрисидаги декрет эълон қилингандан сўнг, четдан келтириладиган энг яхши ғалладан уч баробар қиммат турадиган пахта ниҳоятда қадрсизланди, чунки пахтага белгиланган қатъий давлат нархи тез ортиб бораётган ғалла нархига тўғри келмас эди. Масалан, агар 1919 йилда бир пуд пахтани сотишдан келган пулга 36 аршин чит олиш мумкин бўлса, 1923 йилда бу пул атиги 10 аршин читга етарди, холос [1;256].

Бу эса чигит экиш майдонларининг қисқариши билан бир қаторда, деҳқонларнинг норозилигига ва пахта етиштиришга эътиборнинг камайишига олиб келди. Масалан, 1922 йилда 1921 йилга қараганда 1,7 баробар майдонга чигит кам қадалиб, 1920-1921 хўжалик йилларига нисбатан 1900 минг пуддан 1312544 пудни ташкил этди ёки 58746 пудга қисқарди. Пахта ҳосилдорлиги 1921 йилда ўзининг энг қуйи нуқтасига пасайиб, гектаридан 1,9 центнердан ҳосил олинди. Пахта толасини олиш 1913 йилга нисбатан 23 баробар қисқарди [1;232].

Давлат монополияси пахта етиштиришга тўсқинлик қилмоқда эди. Меҳнат ва Мудофаа Кенгашининг қарори билан 1923 йил январида пахта харид қилиш давлат монополияси бекор қилинди. Бу ҳол тезда пахта етиштиришнинг кўпайишига ўз таъсирини кўрсатди. 1924 йилда чигит экиладиган майдонлар кўпайтирилиб, 315168 десятинага етказилди. Йиғиб-териб олинган пахта миқдори 4250 минг пудни ташкил этди ёки 1921 йилга нисбатан гектаридан 6,9 центнерга ўсди[2;29].

НЭП натижасида саноатнинг, айниқса, тўқимачилик саноатининг тикланиши ва пахта хом ашёсига эҳтиёжнинг ортиши Туркистонда пахтачиликни тиклашни, пахта етиштиришни кўпайтиришни талаб қилган. Чунки пахта хом ашёси етказиб берувчи асосий вилоятлардан Фарғона вилоятини олиб кўрсак, агар 1915 йил пахта экиладиган майдонлар 866 минг десятина бўлган бўлса, 1919 йилда 396 минг десятинага, 1922 йилда эса 361 минг десятинага тушиб қолган, яъни 1919 йилда 1915 йилги экин майдонининг 44,7 фоизини, 1922 йилда эса 40,7 фоизини ташкил қилган. Шуни ҳисобга олиб совет ҳукумати Туркистонда пахтачиликни шошилинч тиклаш чора-тадбирларини кўрган. Ўша йилларда пахта экин майдонларини тиклаш мақсадида пахтакорларга катта имтиёзлар берилган эди.

Марказнинг пахта хом ашёсига бўлган эҳтиёжини қоплаш учун пахта экиладиган майдонлар бошқа экинлар ҳисобига, айниқса ғалла экиладиган майдонлар ҳисобига кенгайтирилди. Марказдан ғалла маҳсулотларини юбориш кўпайтирилди, агар 1922-1923 хўжалик йилида Ўрта Осиёга 2 млн пудга яқин дон келтирилган бўлса, 1925-1926 хўжалик йилида — 15 млн пуд ғалла келтирилган.

Ўзбекистонда ва бошқа пахтакор республикаларда пахта етиштиришнинг ортиб бориши билан бирга марказ ип-газлама саноатининг иттифоқ пахтаси билан таъминланиш даражаси ҳам ортиб борди. 1923-1924 йилда марказнинг тўқимачилик фабрикаларига етказиб

берилган иттифоқ пахтасининг улуши 36,6 фоизни ташкил этган бўлса, 1924-1925 йилда 51,9 фоизни, 1925-1926 йилда 58,9 фоизни ташкил қилган эди [5].

Келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, тўқимачилик саноатини таъминлашда иттифоқ пахтасининг ҳиссаси йилдан йилга ўсиб борган. Россия тўқимачилик фабрикаларининг чет эл пахтаси билан таъминланиши 1923-1924, 1925-1926 йиллар ичида 63.4 фоиздан 48.1 фоизга тушиб қолди.

1920-йилларда иттифоқ тўқимачилик саноати учун пахта хом ашёси Америка, Миср, Ҳиндистон, Туркия, Эрон ва бошқа давлатлардан катта микдордаги валюта ҳисобига сотиб олинар эди. Марказий Осиёда етиштирилган пахта хом ашёси 2,5 баробар арзон нархларда сотиб олинар ёки ўрнига бошқа маҳсулотлар билан ҳақ тўланар эди. Шунинг учун совет ҳукумати асосий пахта базасига айлантирилган Ўрта Осиёда пахтачиликни бутун чоралар билан кенгайтиришга, ялпи пахта ҳосилини кўпайтиришга интилар эди.

Адабиётлар:

1. Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлиги ва сабаблари./ Лойиҳа раҳбари т.ф.д. Д.А.Алимова.- Т.: Шарқ, 2000
2. Хлопководство Узбекистана За 50 лет. Справочник.- Т.:Узбекистан, 1967
3. Известия ВЦИК.- 1918.- 26 июль
4. Деятельность коммунистической партии и советского правительства по восстановлению и развитию хлопководстсва в Туркистане (1917-1924 гг) Документы и материалы.- Т.: Узбекистан, 1986
5. ЎзР МДА. 473 ф-1р, 256 иш, 195-бет

Андижон давлат университети,
2009 йил 22 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. И.Алимов)